



# ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАЪМУРИЙ ЧЕКЛАШ ЧОРАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

**Шавкатов Бозорали Акмал ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар  
Профилактикаси Фаолияти кафедраси, Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси кундузги таълим З-ўқув курси курсанти

**Аннотация:** Мазкур мақолада Профилактика инспекторининг маъмурий чеклаши чораларини амалга ошириши фаолиятини илмий-назарий асослари, Профилактика инспекторининг маъмурий чеклаши чораларини амалга ошириши фаолиятини методологик асослари. Бундан ташкири Профилактика инспекторининг маъмурий чеклов чораларини амалга ошириши фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушибу фаолият доирасида юритиладиган процессуал хужжатлар, ушибу фаолиятдаги муюммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд мудомма ва камчиликларни бартараф етиш буйича бир катор таклифлар. Профилактика инспекторининг маъмурий чеклаши чораларини амалга ошириши фаолияти буйича бошқа давлатларнинг илгор хорижий тажрибаси ҳамда миллий конунчилигимиздан фарқли ва ухшаши томонлари, шунингдек, юкорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган холда ушибу фаолиятни тақомилаштириши йуналишилари ёритиб ўтилган.

**Калит сўзлар.** Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳалла фаоллари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, прокуратура, ахборот-коммуникация технологиялари, муқаддам судланган шахслар, профилактика инспекторлари, маъмурий назорат.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг истиқлол йилларида барча соҳаларда тинмай ўзгаришларни амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга жаҳоннинг кўзга кўринган ва ривожланган мамлакатлари билан турли соҳаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ва қўйилаётганлиги қувонарли холдир. Қадимий, бой тарихга эга ҳамда маънавият ва маърифат ўчоғи бўлган “Ўзбекистон ўзининг бу томонлари билан дунё ҳалқларини қизиқишини ортиреди. «Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш – бугунги кунда энг муҳим вазифадир»<sup>1</sup>. Шу боис 2017 йилда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳалқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.



тубдан ислоҳ этиш борасидаги ишларнинг янги босқичи бошланди. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирchan тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи ПҚ-283сонли «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»гиқарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофик, ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг кафолатлари кучайтирилди. Ахоли билан тўғридан-тўғри ва очик мулоқот йўлга қўйилди. Фуқаролар мурожаатлари ва муаммоларига беписанд муносабатда бўлиш ҳолатларига барҳам бериш бўйича зарур чоралар кўрилди<sup>2</sup>.

«Фуқароларимизнинг Конституцияда муҳрлаб қўйилган давлат органлари ва муассасаларига, халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида оммавий учрашувларда мурожаатларни қабул қилиш тартиби белгиланди. Бугунги кунда фуқароларимиз мансабдорлар олдига эмас, балки мансабдор шахсларнинг ўзи халқимиз олдига бормоқда. Бу – катта ўзгариш<sup>3</sup>. Айни вақтда кўп раҳбарлар булар ҳаммаси вақтинча, бир йиллик иш, деган хом хаёл билан юрибди. Аммо улар шуни қулоғига қуйиб олсин, кўприклар аллақачон ёниб кетган. Энди ҳеч қачон орқага қайтмаймиз»<sup>4</sup>.

Ички ишлар органларининг маҳалла фаоллари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, прокуратура ва бошқа органлар билан олиб борган ҳамкорлиги натижасида 2018 йилда 2 минг 301 маҳаллада биронта ҳам жиноят содир

<sup>2</sup> Мухамедов Ў. Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 194 б. Б 4.

<sup>3</sup> Мухамедов Ў. Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 194 б. Б 4.

<sup>4</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойdevоридир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маъруzasи // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

этилмади. Умумий жиноятчилик эса 2018 йилда ўтган 2017 йилга нисбатан 33,5 фоизга камайди<sup>5</sup>.

Эришилган натижаларга қарамасдан, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганлариdek, «... хуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади». Чунки, «битта бўлса ҳам жиноят бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак»<sup>6</sup>.

Шу боисдан, 2019 йилнинг 10 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президентимиз томонидан мутасадди ташкилотлар зиммасига республиканинг барча туман (шаҳар)лари бўйича илмий ёндашувлар асосида хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликни жиловлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан янги методика ва ўзига хос тажриба яратишга доир вазифалар юклатилди.

Ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва ички ишлар бўлим (бошқарма)ларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида ички ишларнинг қўшимча равишида 175 та шаҳар бўлими (бўлинмаси) ва 824 та таянч пункти ташкил этилди<sup>7</sup>.

Қайд этиш зарурки, «...инсонни фақат жазолаш билан, фақат репрессив усуллар билан тарбиялаб бўлмайди. Буни ҳаётнинг ўзи кўп бор исботлаган. Инсонни тарбиялаш учун бутун жамият ҳаракат қилиши, авваламбор, жиноий ҳолатларни туғдирадиган сабаб ва омилларни ҳаётимиздан бартараф этишимиз керак. Барчамиз биргаликда шу ишга ҳисса қўшишимиз керак»<sup>8</sup>.

Идоралараро ҳамкорлик янада ривожлантирилди. Хусусан, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг фаолияти самарали йўлга қўйилди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, видеокузатув, электрон ҳисобга олиш ва ўзаро ахборот алмашиш, идоралараро

<sup>5</sup> Бобоҷонов П. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири): Одамлар тинч яшаши учун мамлакатимизда жиноятдан холи муҳит яратилади. //<http://uza.uz> (15.01.2019й.).

<sup>6</sup> <https://president.uz/uz/1914>

<sup>7</sup> Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 5 б.

<sup>8</sup> Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.



маълумотлар базалари тизимлари профилактик ишларга кенг жорий этилмоқда. Айниқса, «...хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда «хавфсиз шаҳар», Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида «хавфсиз туризм», Паркент туманида «хавфсиз дам олиш» концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда»<sup>9</sup>.

Мамлакатимизда бугунги кунда фуқароларга жуда кўп имкониятлар ва шароитлар яратилиб берилмоқда. Бироқ яратилган бу имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, турли нотўғри хатти-ҳаракатлар билан текин даромад орттириш, бировларнинг ҳисобига паразит ҳаёт кечиришни ўзига касб қилиб олган кимсалар мамалакатимиз ривожланишига катта тўқсинглик қилмоқда. Айниқса бაъзи бир шахсларнинг текин ва осон йўл билан пул топишлари мақсадида жиноят содир этишлари мантиқа тўғри келмайди.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, ХМҚОларга шу жумладан ИИОларига жамиятимизда содир бўлаётган турли жиноятчиликнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифа юқлатилган. Айниқса улғайиб келаётган ёшларни қалбига йўл топа билиш, уларнинг қалбидаги ватанга мухаббат, меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири десак бизнинг тўғридир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб асосий мақсад- жиноятчилик билан боғлиқ ижтимоий-салбий иллатларни олдини олишда турли тоифадаги жиноятчиликнинг олдини олишда ва унга қарши курашишда айниқса жиноят содир этишга кўпроқ мойил бўлган муқаддам судланган шахслар билан ишлашда профилактиканинг усул ва шаклларидан унумли фойдаланиш ва бу борадаги ишларни такомиллаштириш ҳозирги замоннинг талабидир. Шулардан келиб чиқиб ҳар бир профилактика инспекторлари зиммасига катта маъсулият юклайди ва хизмат вазифаларини самарали бажаришларида касбий билим, малака, кўникмалар талаб этилади.

Профилактика инспекторлари жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ўз маъмурий худудида барча фуқаролар билан айниқса муқаддам судланган шахслар шу жумладан, маъмурий назоратда турувчи муқаддам судланган шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни ташкил этувчи асосий субъектлардан бири бўлиб ҳисобланади. Улар нафақат маъмурий назорат ўрнатилган шахсларга нисбатан назорат-текширув ва тарбиявий мазмундаги профилактик тадбирларни амалаг оширадилар, балки маъмурий худуддаги барча фуқароларга умумажбурий қоидаларга риоя қилишларини назорат қиласидилар. Маъмурий назоратни

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.



таъминлашда профилактика инспекторлари авволо Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига ва айнан маъмурий назоратни тартибга солувчи қонунлар қонун ости норматив хужжатларга асосан бевосита фаолият юритиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги «Жазони ижро ижро этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ИИВнинг «Жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги йўриқномалари профилактика инспекторларининг маъмурий назоратни таъминлаш бўйича асосий вазифаларини белгилаб беради.

Профилактика инспекторлари таъминланадиган маъмурий назоратнинг қўйидаги икки тури фарқланади: -Умумий маъмурий назорат; -Махсус маъмурий назорат.

Умумий назорат деганда биз қўпинча умумий профилактиканинг бир қисми сифатида ҳам тушунамиз, лекин алоҳида оладиган бўлсак умумий назорат давлат томонидан қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатлар билан ўрнатилган қонун ва қоидаларнинг ваколатли органлари томонидан ўз вақтида тўғри бажарилиши устидан ўрнатилган назорат туридир. Профилактика иснпкеторлари томонидан амалга ошириладиган умумий назорат эса ўз навбатида давлат томонидан амалга ошириладиган маъмурий назоратнинг бир таркибий қисми демак бизнингча тўғрироқдир. Шу нуктаи назардан келиб чиққавн холда профилактика инспекторлари томонидан амалга ошириладиган умумий назоратни қўйидаги гурухларга бўлишимиз мумкин:

- паспорт тизими қоидалари;
- назорат-лицензия фаолияти;
- ёнгин хавфсизлиги назорати;
- йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати.

Демак юқорида кўрсатиб ўтилган тушунчадан келиб чиқиб, профилактика инспекторлари ҳам ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари, меҳмонхона, санаториялар, дам олиш жойлари ҳамда фуқароларнинг яшаш жойларида паспорт тизими ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши борасида, назорат-лицензия фаолияти билан шуғулланишга рухсат этилган обьектлар ва хонадонларда назорат-лицензия фаолиятиги риоя этилиши борасида назорат ишларини амалга оширадилар.

Маъмурий чеклов ва чеклаш чораларини қўйидаги асосий хусусиятларга эга:

- а) маъмурий чеклаш чораларини қонун ва қонун ости хужжатларининг талабларини амалиётта жорий этиш бўйича ички ишлар органаларининг маъмурий фаолиятининг шаклларидан бири;
- б) маъмурий чеклов ва чеклаш чораларини ҳуқуқбузарликларни олдини



олиш, уни тўхтатиш ва аниқлаш мақсадида амалга оширилади;

в) маъмурий чеклов ва чеклаш чораларини қонун талабларини жамоат таъсири ёки давлат мажбурлов чоралари воситаси ёрдамида ҳукуқбузарликлардан муҳофаза этади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 окт.
2. Мухамедов Ў. Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 194 б. Б 4.
3. Мухамедов Ў. Х. Замонавий ёндашув асосида профилактика инспектори фаолиятини ташкил этиш: Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 194 б. Б 4.
4. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янадатараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
5. Бобожонов П. (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири): Одамлар тинч яшаши учун мамлакатимизда жиноятдан холи мухит яратилади. //<http://uza.uz> (15.01.2019й.).
6. <https://president.uz/uz/1914>
7. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. - № 4. 5 б.
8. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир / Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгиланган вазифалар ижроси, бу борада мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш масалаларига бағишлиланган видеоселектор йиғилишидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2017. – 15 нояб.